

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИРАШИДОВ АБЛАКУЛ

**ҚУРИЛМАЛАР НОЧИЗИҚЛИ ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАН
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ СУЮҚЛИК БИЛАН
ЎЗARO НОСТАЦИОНАР ТАЪСИРИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора наук (DSc) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc)
on physical-mathematical sciences**

Абдирашидов Аблакул

Қурилмалар нозиклиги деформацияланувчан элементларнинг суюқлик
билан ўзаро ностационар таъсири3

Абдирашидов Аблакул

Нестационарное взаимодействие нелинейно деформируемых элементов
конструкций с жидкостью29

Abdirashidov Ablakul

Non-stationary interaction nonlinear deformable elements of constructions with a
liquid55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИРАШИДОВ АБЛАКУЛ

**ҚУРИЛМАЛАР НОЧИЗИҚЛИ ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАН
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ СУЮҚЛИК БИЛАН
ЎЗARO НОСТАЦИОНАР ТАЪСИРИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/FM82 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Худойназаров Хайрулла
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мардонов Ботир
физика-математика фанлари доктори, профессор

Абдусатторов Абдусамад
техника фанлари доктори, профессор

Абиров Рустам Абдуллаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти.

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «5» январь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет ҳиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938. E-mail: sasu_info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№78 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет ҳиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938.

Диссертация автореферати 2018 йил «21» декабрь куни тарқатилди.
(2018 йил «21» декабрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



Р.И.Халмурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Хўжаёров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.д., профессор

К.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида атом, нефть ва аэрокосмик инфратузилмалари ривожланган мамлакатларида температура, сейсмик ва техноген юкланишлар таъсири остидаги ҳар хил резервуарлар ва қувурларнинг фазали ҳолати ўзгарувчан суюқликлар билан динамик ўзаро таъсир этишининг такомиллашган лойиҳасини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. Бу борада, жумладан АҚШ, Россия, Франция, Англия, Хитой, Германия, Япония ва бошқа етакчи давлатларда «...жаҳон бўйлаб қурилаётган атом станциялари, ташувчи ракеталарни учириш, нефть маҳсулотларини ташиш ва сақлаш қурилмаларини қуришнинг 80 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Ушбу инфратузилмаларнинг нормал фаолиятини таъминлаш учун ҳар йили жаҳонда бир неча юз миллиард АҚШ доллари сарфланади...»¹. Шу жиҳатдан термогидроэластиклик жараёнларида энергия сиғимини камайтириш ва ресурсларни сақлаш, хавфли портловчи суюқлик ва газларни (масалан, метастабил ва криоген суюқликларни) ташувчи воситалар сифатига талабни кучайтириш, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган янги технологияларни яратишнинг самарали услублари асосида лойиҳалаш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда ҳар хил услубда олинаётган металл ва қотишмаларнинг олдиндан берилган параметрлари, мураккаб физик-механик характеристикалари асосида плита, пластинка, қобик, резервуар ва қувурларнинг мустаҳкамлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида такомиллаштирилган математик моделлар ва ҳисоб усуллари қўлланилмоқда. Бу борада мақсадли илмий-тадқиқотларни, жумладан, суюқликлар ва қурилмалар элементларининг механик хоссалари ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг асосий параметрларини аниқлашнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш, қурилмалар эластик ва эластик-қайишқоқ деформацияланувчан элементларининг метастабил ва криоген суюқликлар билан ностационар ўзаро таъсирлашиши ҳисобининг янги самарали усуллари ишлаб чиқишнинг илмий асослари яратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан пластинка ва қобикларнинг портловчи хавфли суюқлик ва газлар билан ночизикли ўзаро таъсирлашишининг хавфсизроқ режимларини ифодаловчи янги математик моделлар, ЭҲМ учун алгоритм ва дастурларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда нефть-газ соҳасига ҳамда узоқ масофага газ ва нефть ташувчи қувурлар ўтказилишига катта эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора тадбирлар асосида, жумладан нефть ва газ ташувчи резервуар ва қувурларнинг мустаҳкамлигини ошириш ва замонавий технологияларни қўллаш туфайли муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Мехдиев Э.Т. Обзор трубопроводной инфраструктуры Европы: транспортировка нефти и нефтепродуктов // Энергетический вестник, №1, 2016. - С.108-119. Российское энергетическое агентство (РЭА), Международное энергетическое агентство (МЭА), <http://www.sci-books.org/>, <http://e-notabene.ru/energetika> ва б.

Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш..., ...замонавий тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан маҳсулот сифатини ошириш, замонавий интеллектуал технологияларни қўллаш, газ ва нефтни қайта ишловчи корхоналарни ривожлантириш, ички бозорни тўлдирган ҳолда хом-ашё маҳсулотлари захираларини экспорт қилиш учун иккиламчи синтетик маҳсулотлар оптимал таркиби технологияларини, ушбу жараёнларни ифодаловчи такомиллашган математик моделлар ва алгоритмларни яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида», 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида», 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Қурилмаларнинг суюқлик ва газ билан ўзаро таъсирлашишини аниқлаш, қаттиқ жисмларнинг суюқлик ва газда ҳаракати ҳисоб усулларини ишлаб чиқиш, атроф муҳитни ҳисобга олган ҳолда уларнинг динамик мустаҳкамлигини ҳамда пластинка ва қобиклар материаллари механик характеристикалари ўзгаришининг гидроэластик тизим ҳолатига таъсирини аниқлашга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг олий таълим муассасалари ва етакчи илмий марказларида, жумладан Калифорния

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи 1. Galiev Sh.U., Flay R.G.J. Interaction of breaking waves with plates: The effect of hull cavitation Ocean Engineering 88 (2014) 27–33. 2. Избранные труды по гидроупругости и динамике упругих конструкций / Шмаков В.П. - М.: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2011. - 287 с. 3. Волны в сплошных средах / А.Г.Горшков и др. - М.: ФИЗМАТЛИТ, 2004. - 472 с. 4. Динамика конструкций гидроаэроупругих систем /К.Ф.Фролов и др. - М.: Наука, 2002. - 397 с., www.elsevier.com, www.scopus.com, www.springer.com, www.sciencedirect.com, www.mathnet.ru, www.elibrary.ru, www.math.msu.ru, www.webofsciences.com, <http://sci-hub.cc> ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

университети (АҚШ), Европа комиссиясининг Бирлашган тадқиқотлар маркази (Бельгия), Окланд университети (Янги-Зеландия), Москва давлат университети, Москва авиация институти, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Украина Миллий ФАнинг Амалий механика ва Мустаҳкамлик муаммолари институтлари (Украина), Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат техника университети ва Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Газ, суюқ ва деформацияланувчан қаттиқ жисмларнинг ностационар ўзаро таъсирлашиши жараёнларининг математик модели, алгоритми ва дастурларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижалар олинган: вакуумда портлаш натижасида қаттиқ жисмларнинг эластик-қайишқоқ оқиши ва емирилиши ҳисоблаш усули яратилган (Калифорния университети, АҚШ); нефть ва газ соҳасидаги хавфли моддаларни ташишга мўлжалланган қувурлар тизимининг муҳит билан ўзаро таъсирлашиши математик модели ишлаб чиқилган (Европа комиссиясининг Бирлашган тадқиқотлар маркази, Бельгия); суюқлик фазавий ҳолатининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ҳалокатли ночизикли тўлқин ҳодисалари математик модели ишлаб чиқилган (Окланд университети, Янги-Зеландия); қаттиқ жисмлар, қурилмалар ва қўп фазали муҳитларда динамик жараёнлар, жисмлар суйрилигининг кавитацион режими масалалари аналитик ва сонли ечилган (Москва давлат университети, Россия); қурилмалар ностационар аэрогидроэластиклигининг математик модели ишлаб чиқилган (Москва авиация институти, Россия); гидроэластик қурилмаларда ночизикли тўлқин динамикаси ўрганилган (Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Россия); қурилмалар ностационар термогидроэластик, гидроэластик тебранишлари ва устуворлиги масалалари ечилган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия); деформацияланувчан жисмларнинг суюқлик ва газда ҳаракатини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (Амалий механика институти, Украина); пластинка ва қобиклар материаллари механик характеристикалари ўзгаришининг гидроэластик тизим элементлари ҳолатига таъсири масалалари ечилган (Мустаҳкамлик муаммолари институти, Украина); ер ости коммуникацияларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиши ва гидроэластик тизимлар сейсמודинамик назарияси яратилган (Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ўзбекистон); гидроэластик қурилмаларда ночизикли тўлқинлар динамикаси масалалари ечилган (Тошкент давлат техника университети ва Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда қурилмалар элементларининг оддий, метастабил ва криоген суюқликлар билан ўзаро ностационар таъсирлашишига оид математик моделлар, алгоритмлар в дастурлар яратиш бўйича катор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қурилмалар эластик ва эластик-қайишқоқ деформацияланувчан элементларининг суюқлик билан ностационар ўзаро таъсирининг математик моделини ишлаб чиқиш; суюқликдаги кавитация, пуфакчали кавитация ва қайнашнинг ўзаро

таъсирлашаётган элемент ночизикли деформацияланиши ва емирилишига таъсири масалаларини сонли ечиш; импульсли ва гидродинамик юкланиш таъсирида қобикларнинг ночизикли деформацияланиши масаласини ечиш; суюқликда ёки муҳитда портловчи модда портлашининг у билан ўзаро туташ бўлган жисмнинг эластик-қайишқоқ ҳолатига таъсири масаласини сонли ечиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида гидроэластик-қайишқоқликнинг асосий муаммолари таркибига қурилмаларнинг суюқлик ва газ билан ўзаро таъсирлашиши, деформацияланувчи қаттиқ жисмларнинг суюқлик ва газдаги ҳаракати ҳисоби, атроф муҳит таъсирида уларнинг динамик мустаҳкамлигини аниқлаш, пластинка ва қобиклар материаллари механик характеристикалари (жумладан, қовушоқ-эластиклиги, қайишқоқлиги ва бошқа) ўзгаришининг улар тебранишига таъсири, қаттиқ жисмларда, қурилмаларда ва кўп фазали муҳитларда динамик жараёнлар, жисмлар суйрилигининг кавитацион режимини аналитик ва сонли таҳлил қилиш бўйича M.L.Wilkins, G.Maenchen, S.Sack, M.Amabili, A.D.Lucey, J.W.Kim, X.A.Рахматуллин, А.С.Вольмир, Ш.У.Галиев, А.Г.Горшков, Э.И.Григолюк, А.Н.Гузъ, Б.В.Замышляев, В.Д.Кубенко, М.А.Ильгамов, А.К.Перцев, Л.И.Слепян, В.Г.Баженов, Ю.С.Яковлев ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ер ости коммуникацияларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиши ва гидроэластик тизимларнинг сейсמודинамикасини ўрнанишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишда бир қатор ўзбек олимлари, жумладан, М.Т.Ўразбоев, Т.Р.Рашидов, Т.Ширинкулов, Т.Мавлонов, Б.Мардонов, К.С.Султанов, М.Мирсаидов, Х.Худойназаров ва бошқа олимлар илмий ишларида ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Амалга оширилган кўплаб илмий тадқиқотларда юқори ҳароратли ва криоген суюқликлар фазавий ҳолати ўзгаришининг, улар эластик-қайишқоқ деформацияланувчан қобиклар билан ўзаро ностационар таъсирлашиши жараёнида, резервуарлар ва қувурлар динамик мустаҳкамлигига таъсири ҳисобга олинмаган. Жумладан, экстремал шароитдаги иккита муҳит (бири метастабил ҳолатдаги суюқ ва иккинчиси мустаҳкамлигини йўқотиш ҳолатига яқин бўлган эластик-қайишқоқ деформацияланиш ҳолатидаги қаттиқ жисм)нинг ўзаро таъсири билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмаган. Бундан ташқари, гидроэластик-қайишқоқ тизимларда пайдо бўладиган критик ҳодисаларнинг қурилмалар қобиксимон элементлари мустаҳкамлигига таъсирини тадқиқ қилиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №19.11 «Деформацияланувчи муҳит билан таъсирлашувчи дискрет-услуксиз тизимлар тебраниши ва турғунлигини тадқиқ қилиш» ва №19.12 «Муҳандислик ва табиий жараёнларнинг

математик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ қилиш» (2000-2018) ҳамда №26/99 «Қовушоқ ва метастабил суюқликлар билан таъсирлашишгаётган цилиндрик қатлам ва қобикларда ностационар тўлқинларнинг тарқалишини тадқиқ қилиш» (1999-2003), №21/41 «Қурилмалар элементларининг регуляр ва нерегуляр структурали муҳитлар ва боғламли майдонлар билан таъсирлашишини тадқиқ қилиш» (2007-2011) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қурилмалар эластик-қайишқоқ деформацияланувчан ва емирилувчан элементлари (қобик, пластинка ва плита)нинг ночизикли деформацияланиши жараёнида фазавий ҳолатини ўзгартирувчи суюқ муҳит ва газ билан ностационар ўзаро таъсирлашиш муаммосини математик моделлаштириш ва сонли ечишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қурилмалар элементлари (қобик, пластинка ва плита)нинг метастабил ва криоген суюқликлар билан ўзаро динамик таъсирлашишини тадқиқ қилиш;

чекли ҳажмни эгаллаб турган суюқликда берилган гидродинамик юкланиш таъсирида пайдо бўладиган қайишқоқ деформацияланувчан қурилмалар элементларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш;

ғайритабiiй ҳодиса, яъни метал пластинканинг таъсир этувчи куч йўналишига қарама-қарши йўналишда пайдо бўладиган сезиларли қолдиқ деформацияси қайд этилган масалани тадқиқ қилиш;

қурилмалар элементларида уларнинг ўзгарувчан, динамик ривожланувчан ва янги фазалари пайдо бўлувчи суюқликлар билан таъсирлашаётгандаги динамик деформацион жараёнлари масалаларини сонли ечиш.

ер ва сув ости қувурлари мустаҳкамлигини гидроиншоотлар тўлқин назарияси асосида ҳисоблашнинг сонли ҳисоблаш услуби ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида битта ёки қўш ўқли чекли ва чексиз узунликдаги цилиндрик қобиклар, чексиз узунликдаги силлиқ ва пиллапояли пластинка ва қобиклар, оддий, пуфакчали, метастабил ва криоген суюқликлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ташқи импульсли юкланишлар ва ички босим тўлқинлари манбаи таъсирида ночизикли деформацияланувчан ва қайишқоқ юпқалашувчан ягона ва қўш ўқли цилиндрик қобиклар ва эластик-қайишқоқ пластинка ва плиталарнинг пуфакчали, метастабил ва криоген суюқликлар билан ўзаро таъсирлашишининг ўзгариш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гидроэластик қурилмаларнинг динамик мустаҳкамлигини аниқлашда чекли айирмалар усули, туташ муҳитлар механикаси ва гидродинамика усуллари, қобик ва пластинкалар назариясининг асосий тенгламаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

динамик юкланган эластик-қайишқоқ деформацияланувчан қувурларнинг метастабил ва криоген суюқликлар билан ўзаро таъсирлашишнинг самарали ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган;

кувурларнинг бир қисми (нефть-газ кувурлари), нефть ва конденсатларни сақловчи резервуарларнинг қайишқоқ деформацияланувчанлик ва пластик юпқалашиш соҳалари гидроэластик тизимлардаги ночизикли тўлқин масалаларини ечиш орқали аниқланган;

металл пластинканинг таъсир этувчи куч йўналишига қарама-қарши йўналишда қолдиқ деформацияси пайдо бўлиши гидроэластиклик масаласини (пластинка, суюқлик ва тезкор кенгайувчи газ пуфакчасининг ўзаро ностационар таъсири масаласини) сонли ечиш орқали аниқланган;

кувурлар ва гидроиншоотлар деворларининг ночизикли деформацияланиши жараёнида метастабил ва криоген суюқликларда қайнаш (яъни динамик ривожланувчи ва янги фазалари пайдо бўлувчи) соҳаларининг мавжудлиги ностационар гидроэластик-қайишқоқлик масалаларини сонли ечиш орқали аниқланган;

гидроиншоотлар тўлқин назарияси асосида ер ва сув ости кувурлари мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг сонли ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

гидроэластик тизим элементларидан самарали ва ишончли фойдаланиш, уларнинг синов муддатларини ва моддий-техник харажатларини камайтириш сонли ҳисоб услубини ишлаб чиқиш асосида илмий тадқиқот ва технологик ишлари натижалари бўйича илмий-техник ишланмалар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган гидроэластик-қайишқоқлик сонли ҳисоби ёрдамида газ қузури материали мустаҳкамлиги шартининг бажарилиши техник талабларга жавоб берувчи алгоритмлар ишлаб чиқилган;

кувурдаги пластик юпқалашиш соҳаларини аниқлаш орқали бузилишларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш имкони аниқланган ва бу орқали газ қувурларининг ихтиёрий кесимидаги нуқтада таъсир этувчи кучланиш қиймати аниқланган;

хар хил муҳитлар ўзаро ночизикли таъсирининг ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритми ёрдамида қувурни ётқизишнинг оптимал сатҳи аниқланган ва қувурнинг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро ночизикли таъсири масалалари сонли ечилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги гиперболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасини ечишнинг ишончли ва текширилган математик усулларида фойдаланган ҳолда туташ муҳит механикаси, пластинка ва қобиклар назарияси, гидродинамика тенгламалари математик ифодаларининг аниқ қўлланилганлиги, олинган натижалар ҳодисанинг физик маъносига қарама-қарши эмаслиги ва улар, хусусий ҳолда, бошқа муаллифларнинг маълум натижалари асосида таққосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экстремал шароитдаги суюқлик билан ўзаро таъсирлашаётган қурилмалар қобиксимон элементларининг эластик-қайишқоқ деформацияланиши назариясини ривожлантириш, суюқликларнинг метастабиллиги ва криогенлигини ҳамда элементларнинг қайишқоқ юпқаланишини ҳисобга олувчи самарали ҳисоб моделларни ишлаб чиқиш, амалий масалаларни ечишда олинган натижаларнинг қўлланилиши

учун кенг база яратиш, яратилган усулларни қаттиқ, суюқ ва газсимон муҳитлар ўзаро таъсири механикасининг турдош масалалари ва гидроэластик-қайишқоқликнинг мураккаб масалаларига қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий асосланган лойиҳалар ҳамда қисқа муддатли ва импульсли юкланиш таъсири шароитида эксплуатация учун мўлжалланган ва ҳар хил суюқлик ва газларни ўз ичида сақловчи ва ташувчи ер ва сув ости қурилмалари ва ҳар хил ҳажмдаги резервуарлар ҳисоби учун зарурий йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ишлаш муддатини узайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Қурилмалар ночизикли деформацияланувчан элементларининг суюқлик билан ўзаро ностационар таъсири бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари, алгоритмлар ва дастурлар натижалари асосида:

газ қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ҳисобининг лойиҳа сифатини ошириш, объектлардан самарали ва ишончли фойдаланиш, синов муддатларини ва моддий-техник харажатларни камайтиришнинг сонли ҳисоб услуби «Ўзбекнефтгаз» АЖ тасарруфидаги корхонада, хусусан «Муборакнефтгаз» МЧЖ корхонасига жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Натижада илмий тадқиқот натижасида синов-қурилма ва технологик ишлар бўйича математик модел, сонли ҳисоб алгоритми ва дастурга асосланган илмий-техник тавсиялар газ қувурлари системаси мустаҳкамлиги ва системанинг ишдан чиқиш эҳтимоллигини олдиндан аниқлаш молиявий сарф-харажатларни 10-14 фоизгача камайтириш имконини берган;

қумлоқ муҳитга ётқизилган газ қувурларининг деформацияланганлик-кучланганлик ҳолатини ҳисоб усуллари «Ўзбекнефтгаз» АЖ тасарруфидаги корхонада, хусусан «Муборакнефтгаз» МЧЖ корхонасининг КС ва ИЛ бўлимларида «Денгизкуль-МГПЗ» лойиҳаш жараёнларига жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Натижада қумлоқ муҳитга ётқизилган газ қувурларининг деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш ва қабул қилинган даражадаги ишончилиқни сақлаган ҳолда якуний натижада сарф-харажатларни 10 фоизгача камайтириш имкони яратилган;

газ қувурлари материали мустаҳкамлиги шартининг бажарилиши текширилиб, газ қувурларининг ихтиёрий кесимидаги нуқтада таъсир этувчи кучланиш қийматини аниқлашнинг математик ифодаси «Муборакнефтгаз» МЧЖ корхонасидаги КС ва ИЛ бўлимда техник ҳисоблашлар жараёнларига жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Натижада қувурдаги пластик юпқалашиш соҳаларини аниқлаш орқали бузилишларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва тизимнинг беҳосдан ишдан чиқиш эҳтимоллигини 12-14 фоизга камайтириш имконини берган;

газ қувурини ётқизишнинг оптимал сатҳини аниқлаш бўйича қувурнинг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро нозичиқли таъсирини эътиборга олиш ҳисобини бажарувчи математик модел, алгоритм ва дастур ««Денгизкуль-МГПЗ» газ қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ҳисоби» мавзудаги техник топшириғини бажаришда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Натижада меҳнат харажатлари ҳажмини 12-14 фоизга камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситалар учун гувоҳномалар (№DГУ 00893, №DГУ 00894) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, илмий ишлар нашр этилган, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Қурилмалар элементларининг суюқлик билан ўзаро таъсири. Муаммонинг ҳолати ва асосий муносабатлар**» деб номланган биринчи бобида қаралаётган муаммонинг ҳолати ва кейинчалик масалаларни ечишда қўлланиладиган туташ муҳит механикаси ва пластик деформацияланувчан ётиқ қобиклар назариясининг асосий муносабатларини ёритишга бағишланган.

Биринчи бандда қурилмалар элементларининг суюқлик билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилишга бағишланган ишлар шарҳи келтирилган. Шарҳда сув ости тўлқинлари, импульсли юкланиш таъсирида қобикларнинг ностационар деформацияланиши, эластик-қайишқоқ жисмлар ва суюқликларнинг динамик емирилиши, оддий, метастабил ва криоген суюқликларнинг гидроэластик-қайишқоқ деформацияланувчан элементлар билан ўзаро ностационар таъсирлашиши ҳолатини тадқиқ қилиш,

емирилувчан мухит ва қобиклар учун газогидоэластик-қайишқоқлик масалаларини ечишга у ёки бу маънода тегишли муаммоларга асосий эътибор берилган.

Иккинчи бандда мухит параметрларининг кенг диапазонли ўзгаришида, шу билан бирга унинг суёқ ва газсимон ҳолатларида ҳам, ўринли ҳолат тенгламалари ва туташ мухит механикасининг муносабатлари келтирилган.

Учинчи бандда қайишқоқ деформацияланиши ҳисобга олинувчи ётиқ қобикларнинг геометрик нозичиқли ҳаракат тенгламаси икки хил вариантда: Кирхгоф-Ляв модели ва Тимошенко модели кўринишида чиқарилган. Бунда кўчиш ва деформация орасидаги боғланиш қобикнинг радиал кўчишларидан, координат чизиклари бўйича кўчишнинг ўзгаришидан пайдо бўлувчи ва эгилиш деформацияларига мос келувчи деформацияларни ҳисобга олади.

Гидроэластиклик соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги босқичидаги ривожланишида энг муҳим йўналишлар қуйидагилар: муҳандислик қурилмалар қобиксимон ва пластинкасимон элементларининг ўзида газ пуфакчаларини сақлаган ёки қурилманинг деформацияланиши жараёнида қайновчи суёқлик билан ўзаро таъсирлашиши масалаларини ўрганиш; суёқ мухит билан ностационар таъсирлашишаётган пластинка ва қобикларнинг импульсли деформацияланишини тадқиқ қилишда сонли усулларни, хусусан амалий тадқиқда қўлланилиши қулай ва самарали, рационал бўлган М.Уилкинс айирмали схемасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ; кейинги бир неча ўн йилликда чоп этилган кўпгина назарий ва экспериментал тадқиқотларни таққослаш таҳлили чизикли назария асосий хулосаларининг тўғрилигини кўрсатади. Шу билан бирга, деформацияланувчи жисмларнинг суёқлик билан ўзаро таъсирлашиши жараёнида сифат жиҳатидан янги ҳодисалар кузатиладики, уларни чизикли назарияси доирасида тушунтириш мумкин эмас. Шунинг учун кўрсатилган масалалар синфини ечишда кўпроқ физик-механик, хусусан қайишқоқлик ва температуравий хоссаларни ҳисобга олган ҳолда нозичиқли моделларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Диссертация ишининг **«Ностационар гидроэластик-қайишқоқлик масалаларини моделлаштириш»** деб номланган иккинчи бобида ностационар гидроэластик-қайишқоқликнинг диссертация доирасида тадқиқ қилинаётган масалалари математик тузилиши берилган, суёқлик билан ўзаро таъсирлашаётган пластинка ва қобикларнинг қайишқоқ деформацияларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ҳар хил эластик-идеал, кавитацияланувчи, пуфакчали, қайновчи ва криоген суёқликларни таққослаш таҳлили ўтказилган. Эластик-қайишқоқ деформацияланувчан юпқа деворли қурилма элементининг емирилишини ҳисобга олувчи содда модел ва пуфакчали суёқликнинг янги ҳисоб модели таклиф этилган. Ҳажмининг бир чеккасидан чайқалиш берилиши натижасида кўзгалувчан суёқликнинг бир ўлчовли тебраниши ўрганилган.

Биринчи бандида ностационар гидроэластик-қайишқоқликнинг диссертация иши доирасида кейинги бандларда ечиладиган умумий масаласи қўйилиши тузилган. Бу масалалар қурилмалар элементларининг суёқлик

билан ўзаро таъсири муаммосининг қуйидаги иккита асосий йўналишига қаратилган:

а) Суюқлик билан ўзаро таъсирлашишдаётган пластинканинг шакл ўзгариши ва емирилишини ва унинг гидродинамик юкланишга реакциясини тадқиқ қилиш; пластинка ва плитанинг шакл ўзгариши ва емирилиши амалий масалаларини моделлаштириш; бошқа муаллифлар аниқлаган экспериментал эффектларни, хусусан, натижаларни таққослаш таҳлили учун акад. М.А.Лаврентьев раҳбарлигида ўтказилган эксперимент натижаларини сонли моделлаштириш.

б) Температура режимида оддий, юқори ҳароратли қиздирилган ва криоген суяқликлар кавитацион қайнашининг эластик-қайишқоқ деформацияланувчан плита, пластинка ва қобиклар ностационар ҳолатига таъсирини тадқиқ қилиш. Бу масалаларни бажариш учун ичма-ич жойлашган ва суяқлик билан ажратилган иккита чексиз узунликдаги цилиндр олинган. Бу қурилманинг ички ёки ташқи сиртига импульсли ёки гидродинамик юкланиш қўйилган.

Учта муҳит (деформацияланувчи қатик жисм, суяқлик, газ)нинг ўзаро таъсирини тавсифлаш учун туташ муҳитнинг қуйидаги тенгламалари системаси қўлланилган: массанинг сақланиш тенгламаси $\frac{d\rho}{dt} + \rho \operatorname{div} \bar{v} = 0$;

импульснинг сақланиш тенгламаси $\rho \frac{dv_i}{dt} = \nabla_j \sigma_{ij} + \rho F_i$, ($i, j=1, 2, 3$), бунда ρ - муҳитнинг зичлиги; $\bar{v}$ - тезлик вектори; v_i - тезлик вектори компоненталари; σ_{ij} - кучланиш тензори компоненталари ($\sigma_{ij} = \sigma_{ji}$); F_i - ташқи муҳитларнинг объектга таъсирини ифодаловчи массавий кучлар.

Деформациялар тезликлари тензори компоненталари заррачалар тезликлари билан Коши муносабатлари орқали боғланган.

Кучланиш тензорини ҳисоблаш Гук қонуни асосида амалга оширилади:

$$\frac{d}{dt} s_{\alpha\alpha} = 2\mu \left(\frac{d}{dt} \varepsilon_{\alpha\alpha} - \frac{1}{3V} \frac{dV}{dt} \right), \quad (\alpha = z, r, \theta), \quad \frac{d}{dt} \tau_{zr} = \mu \frac{d}{dt} \varepsilon_{zr},$$

бунда μ - силжиш модули. Эластик деформациядан қайишқоқликка ўтиш Мизеснинг оқувчанлик тенгламасидан берилади: $s_{zz}^2 + s_{rr}^2 + s_{\theta\theta}^2 + 2\tau_{zr}^2 = \frac{2}{3} \sigma_T^2$,

бунда σ_T - оддий чўзилишдаги оқувчанлик чегараси. Юкланишнинг шундай ҳолати қараладики, бунда туташ муҳит заррачасининг тўла ҳолати аниқланган бўлади, агар s_{ij} - кучланиш девиатори ва P - босим учун уларнинг e_{ij} - деформациялар тезликлари тензори компоненталари, $g_{\alpha\beta}$ - метрик тензор компоненталари ва T - температура ҳамда масаладан масалага ўзгарувчан $x_1, x_2, \dots, x_n$ - қўшимча параметрлар орқали $s_{ij} = s_{ij}(e_{\alpha\beta}, g_{\alpha\beta}, \rho, x_1, x_2, \dots, x_n)$, $P = P(\rho, T, x_1, x_2, \dots, x_n)$ ифодалари маълум бўлса, бунда $\sigma_{ij} = s_{ij} - P\delta_{ij}$, $P = -\sigma_{ij}/3$.

Ўзаро таъсир ва сийраклашиш соҳаларида қоришма икки компонентали бўлади – суяқлик ва газ, бунда қоришма бир жинсли туташ муҳит деб

қаралиб, унинг ўзига хос хоссалари ҳолат тенгламасида ва қовушоқмас иссиқлик ўтказмайдиган суюқлик ва газ моделида ҳисобга олинади.

Иккинчи банд эластик-қайишқоқ материалнинг емирилиши моделини тавсифлашга бағишланган. Бунда қобикларнинг динамик ҳолати юпқа қобикларнинг С.П.Тимошенко типдаги геометрик нозичли тенгламалари асосида тавсифланади: $A \frac{\partial^2 \bar{W}}{\partial t^2} = B \frac{\partial \bar{W}}{\partial r} + C \bar{W} + \bar{q}$, бу ерда $\bar{q}$ - ташқи кучлар вектори; $\bar{W} = \{u, w, \psi, N_1, N_2, M_1, M_2, Q\}$ - номаълумларнинг вектор устуни; A, B, C - ўзгармас матрицалар; N_i, M_i ($i=1,2$), Q - зўриқишлар, моментлар и қирқувчи кучлар; u, w - кўчишлар; ψ - кўндаланг кесимнинг бурилиш бурчаги. Қобик нуқталари-даги деформациялар қуйидагича топилади: $\varepsilon_i = \varepsilon_i^0 + z \varepsilon_i^1$, ($i=1,2$), $\varepsilon_{13} = 1,5 \varepsilon_{13}^0 (1 - 4z^2/h^2)$, бу ерда z - ўрта сиртдан нормаль координата ($-h/2 \leq z \leq h/2$); $\varepsilon_1^0, \varepsilon_2^0, \varepsilon_{13}^0$ - бўйлама, айланма деформациялар и ўрта сирт сатҳидаги кўндаланг силжиш деформацияси; $\varepsilon_1^1, \varepsilon_2^1$ - бурчак деформациялар. Деформацияланувчи қаттиқ жисм учун кучланишнинг шар қисмини ҳисоблашда ушбу адиабатик ҳолат тенгламаси қўлланилади: $P(\eta) = a(\eta - 1) + b(\eta - 1)^2 + c(\eta - 1)^3$, бунда σ (P босим) ўртача кучланиш ва ε (ρ зичлик) ўртача деформация орасидаги боғланиш ўрнатилади; $\eta = \rho_0 / \rho$; ρ_0 - материалнинг бошланғич зичлиги; a, b, c - материалнинг ўзгармаслари.

Учинчи бандда суюқ муҳитнинг динамик кавитацион ва пуфакчали емирилиш моделлари таҳлил қилинади. Ҳар бир муҳит учун (идеал-эластик, кавитацияланувчи, пуфакчали, қайновчи (Химпан ва Кузнецов тенгламалари), метастабил, криоген суюқликлар) ҳолат тенгламаси келтирилган.

Диссертация ишининг «Суюқлик билан ўзаро таъсирлашаётган цилиндрик ва сферик жисмларнинг динамик деформацияланиши» деб номланган учинчи бобида учта муҳит (газ, суюқлик, эластик-қайишқоқ деформацияланувчан жисм)нинг ўзаро таъсир масаласи ҳисоби алгоритми келтирилган; туташ муҳит механикаси ва эластик-қайишқоқ деформацияланувчан қобиклар ҳаракат тенгламаларини интеграллаш учун айирмалли тўрлар тузиш усули, икки ўлчовли сонли алгоритми, гидроэластик-қайишқоқликнинг масалаларини ечишни амалга оширувчи амалий дастурлар пакети тавсифланган. Қўлланилаётган математик модел ва сонли ҳисоб методикасининг ишончлилиги ва аниқлигини текшириш мақсадида аналитик ечимлари маълум бўлган бир нечта масалалар ечилган. Бунда ётиқ сферик ва доиравий кесимли цилиндрик қобикларнинг импульсли юкланиш таъсирида эластик, эластик-қайишқоқ деформацияланиши масалалари қаралган; ташқи импульс таъсирида цилиндрик қатламда тўлқин жараёнлари тадқиқ қилинган; сув ости портлаши манбаси остида сув ости зарбали тўлқинларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши, уларнинг деформацияланмайдиган ва эркин чегаралардан қайтиш характерлари ўрганилган. Олинган натижалар бошқа тадқиқотчиларнинг илмий натижалари билан таққосланган.

Биринчи бандида тўсиқ билан суюқликнинг ностационар ўзаро таъсири масаласини сонли ечиш алгоритми таклиф этилган, бу иловаси учун муҳим

бўлган гидроэластик-қайишқоқлик масалаларини ечиш имконини беради. Хусусан, туташ муҳит механикасининг деформацияланувчи қаттиқ жисмга оид тенгламаларини, гидродинамика тенгламаларини ва қобиклар назарияси тенгламаларини сонли интеграллаш методикаси таклиф қилинган. Қобиклар динамикаси масалаларини ечиш учун вақт бўйича мумкин бўлган максимал қадамни танлашнинг сонли экспериментлари зарурлиги исботланган. Ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида гидроэластик-қайишқоқликнинг икки ўлчовли масалалари ечишга имкон берувчи замонавий ҳисоблаш тизимлари учун ФОРТРАН ва ПАСКАЛЬ алгоритмик тилларида амалий дастурлар пакети яратилган.

Иккинчи бандда сферик панелнинг импульсли деформацияланиши ҳақидаги масала ечилган: сферик панелнинг ички босим таъсирида деформацияланиши масаласи ва сферик панелнинг импульсли юкланиш таъсирида шакл ўзгариши масаласи.

Учинчи бандда ички радиал импульсли юкланиш билан юкланган чексиз узунликдаги цилиндрик қобикнинг эластик-қайишқоқ деформацияланиши ҳақидаги масала ечилган.

Тўртинчи бандда бир биридан эластиклик хоссалари билан фарқ қилувчи икки қатламли цилиндрнинг КДХни тадқиқ қилишга ва ундаги тўлқин динамикасини ўрганишга бағишланган. Ҳар хил услублар ва ҳар хил юкланишларда олинган натижалар деярли бир биридан фарқ қилмайди. Юкланиш қўйилган юзанинг камайиши (оширилиши) қурилманинг энг кўп юкланган қисмига кучли таъсир қилмайди.

Бешинчи бандда сонли алгоритмнинг аниқлиги ва газогидродинамик ҳисоб соҳасида тўлқин жараёнларини ҳисобга олиш сув ости манбасидан гидрозарбали тўлқинларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши, уларнинг эркин ва деформацияланмайдиган сиртлардан қайтиши масалаларини ечиш, портлаш шаклининг сув ости тўлқинига таъсирини ўрганиш билан тасдиқланган.

Олтинчи бандда гидрозарбали юкланишнинг қаттиқ деворни ёпиб турган резина деформацияланиши жараёнига ва гидроэластик тизимда босим тўлқинининг тарқалишига таъсири ўрганилган.

Еттинчи бандда чўкинди қатламда ночизикли сирт тўлқинлари тарқалишини ўрганишнинг ҳисоб модели бир ўлчовли кўринишда келтирилган.

Диссертация ишининг **«Ички ва сув ости портлашлари остида пластинка ва плиталарнинг суюқлик билан ўзаро ностационар таъсирлашиши»** деб номланган тўртинчи бобида сонли эксперимент йўли билан ярим чексиз суюқлик ҳажмида ва плита ичида кенгаювчи газ пуфакчаси босими таъсирида эластик-қайишқоқ пластинка, ётиқ сферик қобик ва плитанинг динамик деформацияланиш жараёни ўрганилган. Тўсиқ сиртидан босим тўлқини манбасининг узоқлашиши ва унинг тўсиққа чуқурлашиши натижасида пластинка, сферик қобик ва плитанинг емирилиш динамикаси ўзгариши таҳлил қилинган. Сув ости портлашининг пластинка, ётиқ сферик қобик ва плита деформацияланиши ва емирилиши характериға таъсири ҳамда тўсиқнинг оддий, кавитацияланувчи, пуфакчали ёки метастабил суюқликдаги босим тўлқинининг тўсиққа таъсири, хусусан, М.А.Лаврентьев раҳбарлигида

ўтказилган эксперимент сонли моделлаштирилган бўлиб, унда гидропортлашдаги юкланиш таъсирига метал пластинканинг қаршилиги ўрганилган.

Биринчи бандда шу бобда ечилган асосий масалаларнинг умумий қўйилиши келтирилган. М.А.Лаврентьев экспериментининг маъноси ва эксперимент натижасида пластинканинг ғайритабiiй ҳолати тўла тавсифланган. Пластинканинг бундай ҳолатини сонли тадқиқ қилиш мақсадида масаланинг сонли модели амалга оширилган, бунда у бир нечта қисм масалаларга бўлинган. Гидропортлаш юкланишида пластинканинг ғайритабiiй ҳолатини ўрганиш билан боғлиқ умумий муаммони ечишнинг кетма-кетлиги тавсифланган.

Иккинчи бандда плитага портлаш чуқурлашишининг суюқликда зарбали тўлқинлар параметрлари ва тўсиқнинг динамик мустаҳкамлигига таъсири ўрганилган. Метал плита билан ёпилган ярим чексиз ҳажмдаги суюқлик берилган бўлиб, унда қўққисдан кенгаювчан газ ҳажми жойлашган. Портлаш манбасининг плитага чуқурлашиши натижасида суюқликда пайдо бўладиган зарбали тўлқин параметрлари ўрганилган. Сонли ҳисобларда плита ва сувдан цилиндрик шаклдаги соҳа ажратиб олинганки, унинг чегараси тадқиқот жараёнининг параметрларига чекли вақт оралиғида таъсир қилмайди. Дастлаб газ соҳаси цилиндрик шаклда бўлиб, унинг симметрия ўқи ажратиб олинган плита ва сув ҳажмининг симметрия ўқи билан уста-уст тушади.

Ҳисоблашлар алюмин (АМГ-6) (эластиклик модули $E=71500$ МПа, чизикли пухталаниш модули $E_1=1500$ МПа, эластиклик чегараси $\sigma_T=275$ МПа, материалнинг зичлиги $\rho=2800$ кг/м³, Пуассон коэффициенти $\nu=0,3$) ва пўлат ($E=200000$ МПа, $E_1=1800$ МПа, $\sigma_T = 400$ МПа, $\rho = 7500$ кг/м³, $\nu=0,25$)дан тайёрланган қалинлиги 1 м плита учун бажарилган. Пентолит зарядининг қалинлиги ва диаметри 0,2 м. Ҳисоблашлар плитанинг қалинлигига нисбатан портлаш плитага чуқурлашишининг бешта вариантыда бажарилди: $d = 2/8; 3/8; 4/8; 5/8; 6/8$. Плитанинг емирилишлари унинг эркин сирти ва суюқлик билан туташ сирти яқинида содир бўлиши кузатилган.

Олинган натижалардан хулосалар: тўсиқ материалидаги емирилиш соҳаси плитанинг четки сиртларига яқин ички нуқталарида пайдо бўлади ва кейин симметрия ўқидан тарқалади; портлашнинг чуқурлашиши ва тўсиқ материали зичлигининг ошиши суюқликда тарқалаётган босим тўлқини амплитудасининг ошишига олиб келади; суюқликда симметрия ўқи бўйлаб тарқалаётган босим тўлқинини $P = P_0 e^{\beta(ct+z)} (1 - e^{\alpha(ct+z)})$ кўринишда ифодалаш мумкин, бунда P_0 , α , β - тўлқинда босимнинг амплитудаси, унинг ошиш ва кейинчалик пасайиш тезлиги; $\alpha = -1/L_1$; $\beta = -1/(L - L_1)$; L - тўлқин узунлиги; L_1 - босимнинг энг катта қийматигача бўлган масофа; c - суюқликдаги босим тўлқини тезлиги; t - вақт; z - координата; барча вариантларда плита яқинида босим тушиши тик, кейинчалик эса сферик тўлқинлардаги каби экспоненциал камайиб боради.

Учинчи бандда суюқликдаги портлаш билан юкланган қалинлиги пиллапояли ўзгарувчан пластинка устида сонли экспериментлар ўтказилди. Бунда пластинканинг қалинроқ қисми резервуар деворини тавсифлайди.

Экспериментларда резервуар девори деформацияланган, шунинг учун кейинги тадқиқотларда пластинка четлари қалинлиги билан берилди.

Суюқликни ҳисоблаш унинг ҳолатини ифодаловчи қуйидаги учта моделлардан бири билан бажарилди: идеал-эластик (емирилмайдиган), бунда унинг ҳолати Тэта тенгламаси билан тавсифланди; емирилувчан, бунда сийраклашиш соҳасида суюқлик икки фазали муҳитга айланиши мумкин деб фараз қилинди ва Н.В.Кузнецовнинг кенг қамровли термик ҳолат тенгламасидан фойдаланилди; пуфакчали, бунда унинг учун иккинчи бобда тавсия этилган ҳолат тенгламаси қабул қилинди. Ҳисоблашлар газ ҳажмидаги бошланғич босим 5; 10; 20 МПа ва зичлиги 1650 кг/м³; ўзгарувчан қалинликли пластина (0,001 м; 0,0007 м) радиуси 0,055 м бўлган ҳоллар учун бажарилди.

Сонли экспериментларнинг асосий қисми кавитацияланувчи суюқлик модели бўйича бажарилди, чунки у пластинканинг тўнкарилишига олиб келувчи босимнинг тез тушишини беради. Асосан пластинканинг марказий қисми деформацияланади, пластинка тескарига тўнкарилишининг тезлиги максимал мусбат эгилишларига эришиш тезлигига нисбатан қарийб икки марта катта. Бу ҳолда, пластинканинг тўнкарилиши, биринчи навбатда, балки пластинка қалин қисмининг эластик энергияси ҳисобига содир бўлади. Худди шундай, ташқи юкланиш бўлмаган ҳолда пуфакчали кавитацияланиш ҳисобга олинган суюқлик билан таъсирлашувчи юпқа пластинканинг деформацияланиши тадқиқ қилинган.

Импульсли ва гидродинамик юкланишларда тўсиқнинг шакл ўзгаришларини тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди: пластинка юкланиш таъсири тарафига қарама-қарши йўналган эгилишларга эга бўлиши мумкин; пластинкадаги моментли зўриқишлар тескари тўнкарилиш пайдо бўлишини йўқ қила олмайди; тўнкарилиш юкланиш ва пластинка геометрияси параметрлари ўзгаришининг етарлича кенг чегараларида кузатилиши мумкин; қайновчи ва идеал-эластик суюқлик моделлари сув ости портлаши натижасида кузатиладиган пластинка тўнкарилишини ҳисоблашга имкон бермайди; юкланиш характерининг озгина ўзгариши натижасида газогидро-эластик-қайишқоқ тизим силлиқ ва қалинлиги пиллапояли ўзгарувчан пластинкасимон элементининг эластик-қайишқоқ деформацияланиши жараёнида динамик устуворлик йўқотилиш ҳоли кузатилиши мумкин.

Шундай қилиб, М.А.Лаврентьев эксперименти биринчи марта сонли моделлаштирилди ва портлаш қуввати ва қурилма геометриясининг ҳар хил қийматларида ҳамда тўсиқ ва суюқликнинг ҳар хил моделларида пластинканинг тескарига (юкланиш таъсирига тескари) шакл ўзгариши исботланди.


Диссертация ишининг **«Цилиндрик қобикларнинг пуфакчали, кавитацияланувчи, юқори ҳароратли ва криоген суюқлик билан ўзаро ностационар таъсирлашиши»** деб номланган бешинчи бобида қурилма ташқи сиртининг бир қисми бўйлаб юкланиш қўйилган ҳолда суюқлик орқали ўзаро таъсирлашишаётган қўш ўқли металл цилиндрлик қобикларнинг импульсли деформацияланиши ўрганилган. Юкланиш юзасининг камайиши (ошиши), гидродинамик тенглама ночизиклилиги ва суюқлик емирили-

шининг қаралаётган гидроэластик тизим деформацияланганлик ҳолатига таъсири таҳлил қилинган. Пуфакчали суюқлик динамикаси ва ностационар кавитациянинг гидроэластик тизим элементлари эластик ва эластик қайиш-қоқ деформацияланишига таъсири ўрганилган. Суюқлик динамикасини тавсифлаш учун 2.3-банддаги ҳар хил ҳолат тенгламалари қўлланилган.

Биринчи бандда бу чегаравий масалаларнинг қўйилиши тавсифланган.

Иккинчи бандда суюқлик билан ажратилган иккита қўш ўқли металл цилиндрик қобикларнинг ташқи сиртининг бир қисми бўйлаб қўйилган импульсли юкланиш таъсирига қаршилиги ўрганилган. Сонли экспериментлар натижаларидан аниқландики: суюқлик билан ажратилган қўш ўқли цилиндрик қобиклар системасида ташқи қобик сирти бўйлаб юкланиш юзаси ўлчами ташқи қобикнинг деформацияланишига сезиларли таъсир қилади, ички қобикнинг эгилишлари ташқи импульсли юкланиш юзачасидан боғлиқ эмас, аммо юкланиш юзачасининг ошиши билан у ҳам ошиб боради; юкланиш амплитудасининг ошиши билан гидродинамика тенгламалари нозикчилигининг қобик эгилишларига таъсири ўсиб боради, бунда унинг таъсири ташқи қобикқа нисбатан ичкисига сезиларли; кавитация қабул қилинган юкланиш ва қобиклар параметрларида ташқи қобик эгилишларининг камайишига ва ички қобик эгилишларининг ошишига олиб келади, яъни қобиклар орасида суюқлик бўлганда ташқи импульсли юкланиш ташқи қобикқа нисбатан ичкиси учун хавфлироқ.

Сонли экспериментлар натижалари тўсиққа келиб тушаётган тўлқин интенсивлигини камайтириш билан гидроэластик тизим элементлари ҳолатини бошқариш мумкинлигини кўрсатади. Муҳит орқали узатилаётган ички импульсли юкланиш ташқи қобикнинг интенсив юпқалашишига, кейинчалик қурилманинг емирилишига олиб келиши мумкин (1-расм).



1-расм. Суюқликдаги пуфакчали кавитациянинг $q_0=20$ МПа (а) ва $q_0=50$ МПа (б) да қобик пластик деформацияланишига таъсири: суюқликнинг кавитацияланувчи ва пуфакчали моделлари бўйича ҳисобланган 1,2 – эгри чизиқлар ички қобикнинг ва 1', 2' – эгри чизиқлар ташқи қобикнинг эгилишлари.


Ушбу бобнинг учинчидан то бешинчигача бандлари идеал-эластик, кавитацияланувчи, пуфакчали, метастабиль ва криоген (азот, кислород, гелий) суюқлик моделлари бўйича олинган натижаларни таққослаш, қайнаш ҳолатига яқин юқори ҳароратли суюқлик ҳоли учун гидроэластик-қайишқоқлик масалаларини ечиш, суюқликнинг қайнаши ва улардаги газ ҳажмлари борлигининг цилиндрик қобиклар деформацияланиши ва емирилишига таъсирини таҳлил қилишга бағишланган. Ҳар хил суюқликлар (ёки ҳар хил ҳолатдаги суюқликлар) билан ажратилган иккита қўш ўқли цилиндрик қобикларнинг ҳолатини ташқи импульсли юкланиш таъсирида ўрганиш бўйича масалалар қаралган. Қобикларнинг ҳаракати моментли назария тенгламалари билан тавсифланган. Суюқлик ҳолати 2.3-бандда келтирилган ва температура ва босимнинг кенг диапазонида ўринли бўлган гидродинамиканинг ҳолат тенгламалари билан тавсифланган.

Учинчи бандда нормал ҳароратли, иситилган ва қайнаш ҳолатидаги сув билан ажратилган иккита қўш ўқли цилиндрик қобикларнинг деформацияланиши ҳақидаги масала ечилган. Импульсли юкланиш 3-бобнинг 4-бандидаги каби берилди. Суюқликдаги статик босим 1 МПа деб олинди. Тэга тенгламасига кўра эластик суюқлик модели (1-алгоритм), кавитацияланувчи суюқлик модели (2-алгоритм), Кузнецов тенгламаси (3-алгоритм), Тэга ва Химпан тенгламалари бўйича мос равишда суюқликнинг туташ ва икки фазали ҳолатларида (4-алгоритм) ҳисобланган. Ҳар хил моделлар бўйича ҳисобланган ташқи қобик эгилишлари бир биридан фарқ қилмайди. Ички қобик ҳоли учун тасвир бошқача. 2-расмда ташқи қобикнинг қалинлиги 0,01 м ва ичкисиники 0,02 м бўлган ва $T_0 = 555,22^{\circ}\text{K}$ да қайнаш ҳолатига яқин бўлган сув учун қобиклар пешана нуқталарининг эгилиш эгри чизиқлари тасвирланган. Сувнинг суюқ ва пар фазалари учун мос келувчи термодинамик параметрлар маълум. Эгри чизиқлар $P_0=10$ МПа ва $q_0 = 30; 60$ МПа да ҳисобланган. Сувнинг бир фазали ҳолатидан икки фазали ҳолатига ўтиши тўрт хил алгоритм асосида ҳисобланди.

Суюқликда қайнаш пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда босим ўзгаришлари қонуниятларини таҳлил қилиш қизиқарлироқ. Қайнаш жараёни суюқликда босимнинг тушиб кетишини чеклайди.

Навбатда қурилма сиртининг бир қисмига ташқи импульсли юкланиш қўйилганда қайнаш ҳолатига яқин юқори ҳароратли суюқлик билан ажратилган иккита қўш ўқли металл цилиндрик қобикларнинг ҳолати таҳлил қилинган. Юкланиш юзачаси камайиш (кўпайиши)нинг қаралаётган гидроэластик тизим қобиксимон элементлари деформацияланган ҳолатига таъсири таҳлил қилинган.



Ҳисоблашлар радиуслари 0,5 м ва 1 м бўлган пўлат қобикларнинг 0,02 ва 0,01 м ли мос қалинликларида бажарилган. 3-расмда қурилманинг ташқи сиртига 30 МПа амплитудали юкланиш қўйилгандаги қайнаш ҳолатига яқин бўлган ҳолда иситилган суюқлик учун қобиклар (a - ташқи; b - ички) пешана нуқталарининг радиал эгилишлари эгри чизиқлари келтирилган. Расмда тасвирланган нуқта юкланиш таъсирининг тугаш моментига мос келади.



2-расм. Сувнинг $T=555,22K$ да бир фазаликдан икки фазаликка ўтишининг ҳар хил алгоритмлари асосида ҳисобланган қобиқ эгилишларини таққослаш: I - $q_0=30$ МПа; II - $q_0=60$ МПа; 1 - алгоритм 1 - Кузнецов тенгламаси; 2 - алгоритм 2 - Тэта (қайнаш йўқ соҳада) ва Химпан (қайнаш соҳасида) тенгламаси; 3 - алгоритм 3 - Тэта (қайнаш йўқ соҳада) ва қайновчи суюқлик (қайнаш соҳасида) тенгламаси; 4, 5 - алгоритм 4 - Тэта (қайнаш йўқ соҳада) ва Кузнецов (қайнаш соҳасида) тенгламаси.

Натижада қурилманинг деформацияланиш вақти юкланиш вақтидан анча юқори эканлиги кўринади. Резервуар деворларининг бошланғич деформацияланган ҳолати ички суюқликнинг статик босимини ҳисобга олган ҳолда аниқланган. 1-5 рақамлар юкланишнинг 180° , 120° , 60° , 30° , 15° бурчакларига мос келади. Кўринадики, юкланиш юзачасининг миқдори ташқи ва ички қобиқларнинг эгилишларига бир хил таъсир қилмас экан. Ташқи қобиқнинг эгилишлари юкланиш юзачасининг камайиши билан дастлаб ошиб боради, ўзининг максимал қийматига эришади (4 эгри чизик) ва кейин камаяди (5 эгри чизик). Бу юкланиш юзачаси катта бўлганда кучланганлик ҳолати моментсиз ҳолатган яқинлиги, қўйилган импульснинг кичик юзачаси қурилманинг сезиларли деформацияланиши учун етарли эмаслиги билан боғлиқ. Максимал кўчишлар импульс кучи каттароқ, кучланганлик ҳолати моментсизлик ҳолатидан узоқроқ бўлган жойларда ўринли (3 ва 4 эгри чизиклар). Ички қобиқ учун таҳлил қилинаётган боғланиш соддароқ, яъни юкланиш юзачасининг камайиши билан максимал эгилиш ҳам камаяди.

Ушбу банднинг давомида босим тўлқини манбаига эга суюқлик билан ажратилган иккита қўш ўқли цилиндрик қобиқларнинг ностационар деформацияланишини тадқиқ қилишга бағишланган. Сийраклашиш тўлқинларида суюқлик қайнашининг шу муҳитни ўраб турган цилиндрик қобиқлар ҳолатига таъсири қаралган. Қобиқлар ҳароратининг улар ўзлари деформацияланишига ҳисобга олинмади. Ички қобиқнинг радиуси ва қалинлиги мос равишда 0,5 ва 0,01 м, ташқисиники 1 ва 0,01 м. Фараз қилайлик, $t=0$ вақт momentiда қўзғалишлар манбаи бўлган баъзи ҳажмчалар эътиборга олинмаганда суюқликнинг барча нуқталарида ҳарорат $500^\circ K$, статик босими эса $P_0=5$ МПа. Кўрсатилган ҳажмларда бошланғич температура ва босим мос равишда $600^\circ K$ ва 20 МПа. Қўзғалишлар манбаи қобиқлар орасида ўрталикда жойлашган.



3-расм. Юкланиш юзачаси ўзгаришининг таъсири: 1 – $\theta = 180^\circ$; 2 – $\theta = 120^\circ$; 3 – $\theta = 60^\circ$; 4 – $\theta = 30^\circ$; 5 – $\theta = 15^\circ$.

Суяқлик бўйлаб қўзғалишлар тарқалишини сонли тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, битта манба бўлганда қайнаш ҳодисаси деворлар деформацияланиши натижасида қобиклар пешана нуқталари атрофида пайдо бўлади. Қайнаш соҳаси қобиклар бўйлаб деформациялар тўлқини билан биргаликда тарқалади. Иккита манба бўлганда қайнаш соҳаси, юқорида айтилганлардан ташқари, манбалар орасидаги суяқлик ҳажмида ҳам пайдо бўлади. Бу манбалардан келаётган гидрозарбалар тўқнашиши, кейин эса тўқнашиш жойида сийраклашиш соҳасининг пайдо бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Тўртинчи бандда қайновчи суяқлик орқали таъсирлашишаётган қўш ўқли иккита пўлат цилиндрлик қобиклардан тузилган қурилманинг динамик ҳолати ҳақидаги масала ечилган. Қурилма ички сирти бўйлаб симметрик радиал импульсли босим қўйилган. Қобикларнинг геометрик характеристикалари: $R_1 = 0,5$ м; $R_2 = 0,75$ м; $h_1 = h_2 = 0,005$ м. Юкланиш амплитудаси ўзгаради. Юкланиш интенсивлиги вақт бўйича асоси $(R_2 - R_1)/c$ бўлган тенг ёнли учбурчак қонуни бўйича ўзгаради, бунда c – сувда товуш тарқалиш тезлиги. Ҳисоблашлар характеристикалари $P_0 = 0,1$ МПа; $\rho_0 = 982$ кг/м³; $T_0 = 293^\circ\text{K}$ бўлган метастабиль суяқлик билан ўзаро таъсирлашишаётган эластик ва эластик-қайишқоқ қобиклар учун бажарилди. Атроф муҳитнинг ҳарорати қобик материалининг қайишқоқлик характеристикалари ($\sigma_t = 200$; 300 ва 400 МПа) ни ўзгартиради, деб фарз қилинди. Юкланиш амплитудаси 30 МПа. Натижалар шуни кўрсатадики, қайновчи суяқлик (Кузнецов тенгламаси) модели бўйича олинган натижалар идеал-эластик суяқлик модели бўйича олинган натижаларга яқин. Бунинормал ҳароратда Кузнецов тенгламаси Тэта тенгламасини умумлаштиради деб изоҳлаш мумкин. Материал оқувчанлик чегарасининг ошиб бориши билан у ўзини эластик ҳолатдагидек ҳис қилиб боради.

Суюқлик учун куйидаги бошланғич характеристикалар билан гидро-эластик-қайишқоқ тизим ҳисоби бажарилди: $P_0 = 10$ МПа; $\rho_0 = 750,5$ кг/м³; $T_0 = 555,22^\circ\text{K}$. Ҳисоблашлар кўрсатдики, атроф муҳит ҳароратининг ошиши ички қобикқа нисбатан ташқисига хавфлироқ. Метастабиль суюқликда қўзғалишлар тарқалишининг сонли тадқиқи шуни кўрсатдики, қайнаш ходисаси резервуар девори деформацияланиши натижасида қобиклар пешана нукталари атрофида содир бўлади. Қайнаш соҳалари қобиклар бўйлаб деформациялар тўлқини билан биргаликда ва суюқлик чуқурлиги бўйлаб тарқалади. Ҳар хил материаллардан тайёрланган қобикларнинг қайишқоқ юпқаланиши динамикасининг сонли ҳисоби бажарилди. Ҳисоблашлар ички ва ташқи қобикларнинг куйидаги характеристикаларида бажарилди: $\sigma_t = 400$ МПа, $\sigma_p = 600$ МПа, $E_1 = 500$ МПа - пўлат; $\sigma_t = 100$ МПа, $\sigma_p = 350$ МПа; $E_1 = 1500$ МПа - 16АТ; $\sigma_t = 200$ МПа, $\sigma_p = 400$ МПа; $E_1 = 1000$ МПа - БрКМЦ, ҳамда температураси ҳисобга олинган пўлат ($\sigma_t = 200$ МПа) учун $q_0 = 50$ МПа.



Қобиклар деворларининг қайишқоқ юпқаланиши пешана нукталаридан бошланади, кейин ундан тарқалиб бошлайди. Юкланиш интенсивлигини камайтириш қобик эластик-қайишқоқ деформацияланганлик ҳолатининг эластикликка яқинлашиб боришига олиб келади. Бу натижалардан келиб чиқадики, атроф муҳитнинг температурасини ошириш ва қурилма ўзининг температурасини ҳисобга олиш, ҳамда қобиклар материалининг мустаҳкамлик характеристикаларини камайтириш резервуар деворининг қайишқоқ юпқалашиши интенсивлиги кучайишига ва натижада қурилманинг емирилишига олиб келади.

Бобнинг охириги бешинчи бандида криоген суюқликлар (суюлтирилган гелий, азот, кислород)нинг сийраклашиш соҳаларида қайнашининг шу муҳитни ўраб турган цилиндрик қобиклар ҳолатига таъсири тадқиқ қилинган. Қобиклар ўзлари температурасининг улар деформацияларига таъсири эътиборга олинмаган. Ички қобикнинг радиуси ва қалинлигини мос равишда 0,75 м ва 0,002 м, ташқисиникини эса мос равишда 1 м ва 0,01 м. деб фараз қилдик. Ҳар бир суюқликнинг бошланғич босими P_H тўйиниш босимининг 1/10 қисмига, бошланғич температураси эса $4T_{кр}/5$ га тенг. Ҳар бир атроф муҳит учун P_H нинг қиймати тақвим маълумотларига асосланиб, бошланғич температуранинг қийматига мос қилиб аниқланди.

4-расмда қобиклар пешана нукталарининг эгилиш эгри чизиқлари 30 МПа амплитудали юкланиш учун тасвирланган. Кўринадикки, ташқи қобикнинг деформацияланиш характери тўлдирилган суюқликдан кучли боғлиқ. Умуман олганда, суюқлик зичлиги қанча кам бўлса эгилишлар ҳам шунча катта. Шу билан бирга ички қобикнинг эгилишлари ташқисиникига қараганда кам, улар суюқликнинг хоссасидан боғлиқ. Бу ҳол ташқи қобикнинг ҳар хил суюқликлардаги тўлқинни жамлаш хусусиятидан боғлиқ.

Азот, кислород, гелий, қайновчи сув ва нормал шароитдаги сув учун ички қобик пешана нуктаси яқинида ҳисобланган босим эгри чизиқлари таққослаган. Суюқликларнинг кескин фарқ қилишига қарамасдан уларда тарқалаётган тўлқинлар амплитудаси ва шакли кескин фарқ қилмайди. Булар-

дан фарқли равишда, гелий учун тўлқин амплитудаси бошқа суюқликлардагиникига қараганда қарийб тўрт марта кичик. Аммо бу тўлқиннинг узунлиги кислород ва азотдаги ҳолга нисбатан қарийб икки марта ортиқ.



4-расм. Кримоген суюқликлар қайнашининг ташқи (туташ чизиқлар) ва ички (штрихли чизиқлар) қобиқ пешана нуқтасининг эгилишларига таъсири: 1- азот; 2- кислород; 3- гелий (б-расмда $t = 0.0026 \dots 0.0035$ с); 4- сув учун $T=517$ К ($P_H=3,59$ МПа); 5- сув учун $T=0$ (кавитация ҳисобга олинмаган).

Бир фазаги ҳолатдан икки фазаги ҳолатга ўтиши жуда яқин метастабил ёки криоген суюқликларни чеклаб турувчи қобиқларнинг катта тезликда деформацияланишида суюқликда қайнаш пайдо бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, бу бобда асосий эътибор газогидроэластик-қайишқоқ тизимларда импульс амплитудасининг юқори ҳароратли суюқлик қайнаши жараёнига ва суюлтирилган газлар (азот, кислород, гелий)нинг туташ муҳитлар ўзаро но-чизиқли таъсирлашишига ҳамда тўлқин жараёнларига таъсирига қаратилган.

Сонли ҳисоб натижалари кўрсатдики, суюқликнинг бир фазаги ҳолатидан икки фазаги ҳолатига ўтишини ҳисобга олувчи самарали алгоритм бу кенг диапазонли Кузнецов тенгламаси ва суюқликда кавитацион жараённи ҳисобга олиш экан, чунки уларнинг сонли қўлланилиши анча содда ва ШЭХМларда катта тезликда сонли ҳисоблашларни бажаришга имкон беради. Бундан ташқари, Кузнецов тенгламаси Тэта тенгламасини босимнинг 10000 МПа гача қийматларида умумлаштиради; Тэта тенгламаси бўйича ҳисобланган товуш тезлиги иситилган суюқликдагига нисбатан юқори, шунинг учун нормал ҳароратда ҳисобланган қобиқ ички эгилишлари иситилган суюқликдагига нисбатан тез ўсиб боради.

Юкланиш юзачаси камайишида қобиқларнинг динамик ҳолатлари умуман олганда суюқликнинг қайнаши ҳисобга олинмаган ҳолга мос келади, аммо қобиқлар эгилишларининг амплитудаси фарқ қилади; резервуарда қайновчи оддий ва криоген суюқликларнинг борлиги суюқликдаги босим тўлқини амплитудасининг сезиларли манфий қийматга тушишига йўл қўймайди; гидроэластик тизим ичида иссиқлик портлашининг борлиги девор деформацияланиши натижасида шу яқин нуқталар атрофида суюқлик қайнашига олиб келади ва бу соҳа қобиқлар деформацияланиши тўлқини ва суюқ-

лик чуқурлиги бўйлаб тарқалади; иккита манбанинг мавжудлиги қайнаш соҳалари кўрсатилгандан ташқари манбалардан келаётган гидрозарбаларнинг тўқнашиши натижасида манбалар орасидаги ҳажмда ҳам пайдо бўлади.


Ҳамма айтилганларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, бу боб доирасида босим ва ҳароратга нисбатан экстремал ҳолатдаги суюқликларнинг қобиқлар билан ўзаро таъсирлашиши мураккаб масалаларини ечиш имконини берувчи сонли алгоритмлар ва сонли методика ишлаб чиқилган. Сув ва криоген суюқликлар мисолида сийраклашиш соҳаларида суюқликнинг қайнаши жараёнининг қобиқлар эластик-қайишқоқ деформацияланиши ва емирилишига ҳамда гидроэластик-қайишқоқ тизимларда тўлқин жараёнларига таъсири кўрсатилган.

Диссертация ишининг **«Суюқлик билан ўзаро таъсирлашувчи чекли узунликдаги цилиндрик қобиқнинг эластик-қайишқоқ деформациялари»** деб номланган олтинчи бобида чекли узунликдаги цилиндрик қобиқнинг импульсли ва гидродинамик юкланишлар таъсири остидаги эластик-қайишқоқ деформацияланиши жараёни сонли тадқиқ қилинган. Қобиқлар ҳисоби Кирхгоф-Ляв ва Тимошенко назариялари асосидаги эластик ва эластик-қайишқоқ моделлари учун ўтказилган. Қўйилган масалани сонли ечиш услубларининг таққосланиш баҳоси берилган. Юкланиш таъсири вақти, интенсивлиги ва амплитудаси ҳамда жисм геометрик ва механик характеристикаларининг гидроэластик-қайишқоқ тизимнинг ностационар ҳолатига таъсири таҳлил қилинган.


Биринчи бандда ностационар гидроэластик-қайишқоқ иккита масаласининг қўйилиши берилган: чекли узунликдаги ётиқ цилиндрик қобиқнинг ички сирти бўйлаб қўйилган ички импульсли юкланиш таъсири остидаги ночизиқли эластик-қайишқоқ деформацияланиши жараёни; импульсли ва гидродинамик юкланган чекли узунликдаги цилиндрик қобиқнинг деформациялануши суюқ муҳит билан ностационар ўзаро таъсири.

Иккинчи бандда чекли узунликдаги юпқа цилиндрик қобиқларнинг Кирхгоф-Ляв гипотезаларига асосланган ночизиқли назарияси зарур тенгламалари, кейин эса уларни ечишнинг ошқормас схемаси шаклидаги чекли айирмалари сонли алгоритми келтирилган. Қобиқ чизиқли ва ночизиқли ҳаракат тенгламалари, чегаравий шартлари (зўриқиш ва моментларга нисбатан), геометрик ўлчамлари (қобиқнинг қалинлиги, узунлиги ва радиуси), физик-механик параметрлари (пўлат, Д16АТ, БрКМц) ва юкланиш шакли (тўғри бурчакли учбурчак, синусоидал)нинг қобиқ деформацияланиши характериға таъсири ўрганилган. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики: қобиқ тебранишининг ночизиқли тенгламасини ошқормас схема билан ҳисоблаш тебраниш амплитудасининг қийматини камайтиради ва частотасининг қийматини оширади (5-расм); қобиқнинг қалинлигини ва узунлигини камайтириш ва унинг радиусини ошириш эластик тебранишлар амплитудасининг ошишига олиб келади; материалнинг пластик хоссаларини эътиборга олиш юкланиш ошганда кўчишнинг чексиз ўсишини кўрсатади; материалнинг пластик хоссаларини эътиборга олиш эгилишни қарийб икки марта оширади (6-расм); тушаётган импульснинг узунлиги ва амплитудасининг ошиши қобиқ марказий нуқтаси

қайишқоқ-эластик эгилишларининг вақт бўйича ўсишига олиб келади; қобик узунлигининг ўзгариши ва материали механик хоссаларининг бироз ўзгариши марказий нукта эгилишига таъсири жуда кам, радиуси ва қалинлигининг ошиши эса эгилишларнинг ошишини кўрсатади.



5-расм. Қобик марказий нуқтасининг эластик эгилишлари чизикли (1-чизик) ва ночизикли (2-чизик) тенгламани ошкор схема ва ночизикли тенгламани ошкормас схема (3-чизик) билан ҳисоблаш натижалари.



6-расм. Қобик материали ўзгариши (1-чизик - Д16АТ, 2-чизик - БрКМц, 3-чизик - пўлат) нинг марказий нуқтаси эластик-қайишқоқ эгилишларига таъсири.

Шундай қилиб, ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, материал пластик хоссаларининг жамланишини ҳисобга олиш қадамини ўзгартириш қолдиқ эгилишларга кам таъсир қилади. Бунда максимал пластик эгилишлар эластик эгилишлардан 30-40% га ортиқ. Пластиклик соҳаси қобик марказий нуқтасида жамланади. Импульсли юкланиш таъсирида қобик бочка шаклида келади. Чизикли ва ночизикли ҳособ натижалари етарлича катта фарқ қилади. Материалнинг пластик хоссаларини эътиборга олиш қурилма деформацияланишининг характериға таъсири сезиларли.

Учинчи бандда чекли узунликдаги юпқа цилиндр қобик учун С.П.Тимошенко геометрик ночизикли асосий муносабатлари, ҳар хил суюқликлар (пуфакчали - 1-модель; кавитацияланувчи - 2; Тэта - 3; Кузнецов - 4) моделлари учун гидродинамика тенгламалари ҳамда ошкормас схема шаклидаги чекли айирмали сонли алгоритм ва уларнинг ечимлари келтирилган. Мисол тариқасида чекли узунликдаги пўлат цилиндр қобикнинг цилиндр ўқиға жойлаштирилган портловчи модда кенгайишидан ҳосил бўлган ички гидродинамик юкланиш таъсиридаги ҳолати, суюқлик бўлмаган ҳолда эса қурилма ички сиртиға қўйилган импульсли юкланиш таъсиридаги ҳолати ўрганилган. Қобикнинг геометрик ўлчамлари: $R = 0,014$ м; $h = 0,001$ м; $L = 0,2$ м. Қобик материалининг характеристикалари: $E = 200000$ МПа; $\nu = 0,25$; $\rho = 0,00785$ кт/м³; $\sigma_t = 400$ МПа; $E_1 = 500$ МПа. Қобикнинг четлари эркин.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики: пластиклик суюқликда босим тўлқини амплитудасининг ошишиға олиб келади; пуфакчали ва кавитацияланувчи суюқликлар моделлари бир-бириға яқин ва Тэта ва Кузнецов бўйича суюқликлар моделлари бир-бириға яқин натижаларни беради; қобик материали параметрларининг ва геометриясининг ўзгариши

ҳисоблашларнинг устуворлигига таъсири кам; қобик пластик деформацияларининг жамланишини ҳар хил қадамларда ҳисоблаш унинг марказий нуктаси эгилишларига таъсири сезиларли.

Импульсли юкланиш таъсирида қобик бочка шаклини олади. Чизикли ва ночизикли моделлар ҳисоблари натижалари фарқи сезиларли. Материалнинг пластиклик хоссасини эътиборга олиш қурилма деформацияларга сезиларли таъсир қилади. Ҳисоблашлар натижаларига кўра гидродинамик юкланиш гирозластик-қайишқоқ тизимнинг мураккаб кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини келтириб чиқаради. Юкланиш таъсири ва муҳитнинг ҳолатини ҳисобга олиш қобик мустаҳкамлиги ва чидамлилиги қобилятини баҳолаш учун жуда муҳим ҳисобланади.

ХУЛОСА

«Қурилмалар ночизикли деформацияланувчан элементларининг суюқлик билан ўзаро ностационар таъсири» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги асосий хулосалар тақдим этилди:

1. Қурилмалар қобиксимон элементларининг суюқ ва газ муҳитлар билан ўзаро ностационар таъсирлашиши назарияси уларнинг ночизикли ва эластик-қайишқоқ деформациялари ва метастабил ва криоген суюқликлар билан ўзаро таъсирлашиши ҳисобга олинган ҳолда ривожлантирилди.

2. Учта муҳит (қаттиқ жисм, суюқлик ва газ) ўзаро таъсирининг самарали математик модели яратилди ва эластик-қайишқоқ деформацияланувчан қурилмалар плита, пластинка ва қобиксимон элементларининг ҳар хил суюқликлар билан ўзаро таъсири механикасининг янги синфдаги масалаларини сонли ечиш методикаси ишлаб чиқилди.

3. Ночизикли деформацияланувчан плита, пластинка ва қобикларнинг кавитацияланувчи ва сийраклашиш тўлқинларида қайновчи, силжувчан чегаравий шартлар ўринли бўлганда зичлашиш тўлқинлари манбаларига эга суюқликлар билан ўзаро ностационар таъсири ҳақидаги икки ўлчовли масалаларини сонли ечиш усули ишлаб чиқилган ва қўлланилган. Ушбу усул суюқликлардаги кавитация, пуфакчали кавитация ва қайнаш жараёнларининг қурилма КДХга таъсирини тадқиқ қилиш, суюқликда гидрозарба тўлқинлари амплитудасини камайтириш имконини беради.

4. Газ ҳажмларини ўз ичига олган, кавитацияланувчи ва қайновчи суюқликлар билан ўзаро таъсирлашаётган изотроп плита, пластинка ва қобикларнинг импульсли ва гидродинамик юкланишларда эластик-қайишқоқ деформацияланиши ва емирилиши масалалари сонли ечиш технологияси ишлаб чиқилди. Олинган натижалар суюқлик билан ўзаро таъсирлашаётган қурилмалар элементларининг динамика деформацияланиши ҳақидаги амалий масалаларни ечишда муҳим аҳамиятга эга ва суюқликдаги катта ҳажмдаги газ плита, пластинка ва қобикларнинг ночизикли деформацияланишига кучли таъсир этилиши хусусан, ночизикли масалада чизикли масалага нисбатан

пластиклик соҳа ошишининг олдини олиш каттароқ эгилишини аниқлаш имконини берди.

5. Ҳар хил суяқликларда фазавий алмашилишлар пайдо бўлишининг пластинка ва қобиклар эластик-қайишқоқ деформацияланишига таъсири жараёнлари тадқиқ этилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида қурилма элементларининг мустаҳкамликка динамик ҳисобида суяқликда кавитация ва пуфакчали кавитация ҳамда сийраклашиш тўлқинларида метастабил ва криоген суяқликларнинг қайнаши ҳодисаларини ҳисобга олиш мажбурий шарт эканлиги исботланди.

6. Ер ва сув ости қувурлари мустаҳкамлигининг сонли ҳисоб услуби тўлқин назарияси асосида ишлаб чиқилди. Унинг амалиётга қўлланилиши нефть ва газ қувурларининг бузилмасдан ишлаши муддатини ва узлуксиз фойдаланилиш самарадорлигини 12-14% гача ошириш имконини беради. Қувурни ётқизишнинг оптимал сатҳини аниқлаш қувурнинг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро нозичикли таъсирини эътиборга олиш ҳисоби бажарилди, бу ўз навбатида меҳнат харажатлари ҳажмини 12-14% гача камайтириш имконини беради.

7. Метастабил ва криоген (хусусан, нефть ва газ) суяқликларни сақловчи қувур ва резервуарлар интенсив юкланган қисмларининг пластик юққаланиш соҳаларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилди. Ушбу тадқиқотлар: импульсли ва гидродинамик юкланган тизимларнинг эластик-қайишқоқ деформацияланиш соҳаларини ишончли ва самарали аниқлашни; пластинка ва қобикларда тескари деформацияланиш ҳодисасининг қурилма кучланганлик ҳолатига таъсирини ҳисобга олишни таъминлайди.

8. Қурилмалар пластинка ва қобиксимон элементларининг эластик-қайишқоқ деформацияланишини ҳисобга олиш механизми ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги тадқиқотлар ностационар гидроэластик-қайишқоқликнинг бир қатор масалаларини ечиш ва уларда содир бўладиган ўтиш жараёнларини моделлаштириш имконини беради.

9. Ишлаб чиқилган алгоритмлар ва сонли ҳисоб услуби қурилмалар элементларининг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро мураккаброқ ностационар таъсирларини ҳисоблашга асос бўлади. Кавитацияланувчи ва қайновчи суяқликларнинг қабул қилинган моделлари ва тўсинларнинг суяқлик билан ўзаро таъсирининг сонли ҳисоби асосидаги бундай тадқиқотлар суяқликларни сақловчи ҳар хил қурилмалар, аппаратлар, резервуарлар ва қувурларни лойиҳалаштириш имконини беради.

10. Ишлаб чиқилган алгоритм ва услубларнинг дастурий таъминоти асосида: сонли алгоритмларнинг яқинлашиши ва самарадорлиги баҳоланди ва тест масалалар ечимлари таққосланди; ҳар хил фаразлар ва соддалаштиришларнинг ҳисоб натижаларига таъсири таҳлил қилинди; бир қатор икки ўлчовли нозичикли амалий масалалар ечилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ДОКТОРА НАУК DSc30.08.2018.FM/T.02.09 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДИРАШИДОВ АБЛАКУЛ

**НЕСТАЦИОНАРНОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ НЕЛИНЕЙНО
ДЕФОРМИРУЕМЫХ ЭЛЕМЕНТОВ КОНСТРУКЦИЙ
С ЖИДКОСТЬЮ**

01.02.04 - Механика деформируемого твердого тела

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.DSc/FM82 по физико-математическим наукам.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Худойназаров Хайрулла
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мардонов Ботир
доктор физико-математических наук, профессор

Абдусатторов Абдусамад
доктор технических наук, профессор

Абиров Рустам Абдуллаевич
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства**

Защита диссертации состоится «5» января 2019 г. в 14:00 часов на заседании научного совета DSc30.08.2018.FM/T.02.09 при Самаркандском государственном университете по адресу: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938. E-mail: sasu_info@edu.uz.

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (регистрационный номер 78). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938.

Автореферат диссертации разослан «21» декабря 2018 года.
(реестр протокола рассылки №1 от «21» декабря 2018 года).



Р.И.Халмурадов

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Б.Хужаёров

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.ф.-м.н., профессор

К.Исмаилов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В странах мира с развитой инфраструктурой атомной, нефтегазовой и аэрокосмической отраслей ведутся научно-исследовательские работы по изучению вопросов динамического взаимодействия различных резервуаров и труб с жидкостями, изменяющими свое фазовое состояние под воздействием температуры, сейсмических и техногенных нагрузок. Среди стран, занимающихся эксплуатацией таких систем, ведущими считаются США, Россия, Франция, Англия, Китай, Германия, Япония и другие государства, которые «...осуществляют до 80% строительство атомных станций, запусков ракетополетов, транспортировки и хранения нефтегазовых продуктов, производимых по всему миру. Ежегодно, в мире для обеспечения нормального функционирования этих инфраструктур расходуются несколько сотен миллиардов долларов США...."¹. В связи с этим одной из важнейших задач становится создание технологии транспортировки и хранения взрывоопасных жидкостей (например, метастабильных и криогенных жидкостей) на основе эффективных способов, обеспечивающих наряду с надежностью и безопасностью, снижение энергоемкости и ресурсосбережения в условиях процесса глобализации, увеличения требований к качеству носителей взрывоопасных жидкостей и газов.

В мире применяются модифицированные математические модели и методы расчета с целью увеличения прочности плит, пластин, оболочек, резервуаров и труб путем учета более сложных физико-механических свойств металлов и сплавов, создаваемых по заранее заданным характеристикам, и улучшения их качественных показателей. Осуществление в этой отрасли целевых научных исследований, в том числе научных поисков в следующих направлениях являются наиболее важными проблемами: разработка современных способов определения важнейших параметров жидкостей и материалов элементов конструкций с учетом механических свойств и качественных показателей; разработка новых эффективных методов расчета нестационарного взаимодействия упругих и упругопластически деформируемых элементов конструкций с метастабильными и криогенными жидкостями. В связи с этим востребовано разработка новых математических моделей, алгоритмов и программы ЭВМ для безопасных режимов нелинейного взаимодействия пластин и оболочек с взрывоопасными жидкостями и газами.

В нашей Республике особое внимание уделялось эффективному развитию нефтегазовой сферы, а также строительству трубопроводов большой протяженности для транспортировки нефти и газа. В данном направлении достигнуты большие результаты по укреплению резервной базы отрасли, улучшению качества продукции, применению современных

¹ Мехдиев Э.Т. Обзор трубопроводной инфраструктуры Европы: транспортировка нефти и нефтепродуктов // Энергетический вестник, №1, 2016. - С.108-119. Российское энергетическое агентство (РЭА), Международное энергетическое агентство (МЭА), <http://www.sci-books.org/>, <http://e-notabene.ru/energetika> и др.

интеллектуальных технологий, разработке технологий оптимального состава вторичных синтетических продуктов для насыщения внутреннего рынка сырьевыми ресурсами экспортировки. В стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особо подчёркивается необходимость реализации целевых программ «...модернизация, техническое и технологическое обновление производства, реализация проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной структуры; ... последовательное внедрение современных экономических и эффективных технологий ...»¹. Для выполнения этих задач, в частности, для повышения качества продукции, применение современных интеллектуальных технологий, развитие нефте-газо-перерабатывающих предприятие, заполняя внутренний рынок готовым сырьём с последующим их экспортированием, основными задачами является создание усовершенствованные математические модели и алгоритмы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 г., Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3190 от 9 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкости строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», «Об усовершенствовании системы управления нефте-газодобывающей промышленностью» №ПП-3107 от 30 июня 2017 года и «О мерах по обеспечению рационального использования энергетических ресурсов» №ПП-3379 от 8 ноября 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в настоящей сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: IV. «Математика, механика и информатика».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, направленные на изучение взаимодействия конструкций с жидкостью или газом и на разработку методов расчета движения деформируемых тел в газе или жидкости, определения их динамической прочности при учете влияния окружающей среды, а также анализу влияния изменений механических характеристик материала пластин и оболочек на поведение элементов гидроупругой системы осуществляются в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 г.

² В обзоре международных научных исследований по теме диссертации использовались: 1. Galiev Sh.U., Flay R.G.J. Interaction of breaking waves with plates: The effect of hull cavitation Ocean Engineering 88 (2014) 27–33. 2. Избранные труды по гидроупругости и динамике упругих конструкций / Шмаков В.П. - М.: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2011. - 287 с. 3. Волны в сплошных средах / А.Г.Горшков и др. - М.: ФИЗМАТЛИТ, 2004. - 472 с. 4. Динамика конструкций гидроаэроупругих систем /К.Ф.Фролов и др. – М.: Наука, 2002. – 397 с., www.elsevier.com, www.springer.com, www.sciencedirect.com, www.mathnet.ru, www.elibrary.ru, www.math.msu.ru, www.webofsciences.com, <http://sci-hub.cc> и другие источники.

ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе в Калифорнийском университете (США), Объединенном научном центре Европейской комиссии (Бельгия), Оклендском университете (Новая-Зеландия), Московском государственном университете, Московском авиационном институте, Московском государственном техническом университете им. Н.Э.Баумана, Санкт-Петербургском государственном университете, (Россия), Институтах прикладной механики и проблем прочности НАН Украины (Украина), Институте механики и сейсмостойкости сооружений АН РУз, Ташкентском государственном техническом университете и Самаркандском государственном университете (Узбекистан).

